

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

КОБИЛОВ НОМОЗ ЎРОЛОВИЧ

**ТОҒАЙ МУРОД ҚИССАЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Кобиров Номоз Ўролович

Тоғай Мурад қиссаларининг лингвопрагматик хусусиятлари3

Кобиров Номоз Уролович

Лингвопрагматические особенности повестей Тагай Мурада.....23

Kobilov Nomoz Urolovich

Linguistic and pragmatic properties of Togay Murod's stories47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

КОБИЛОВ НОМОЗ ЎРОЛОВИЧ

**ТОҒАЙ МУРОД ҚИССАЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil644 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Пардаев Азамат Бахронович филология фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Жабборов Хўжамурод филология фанлари доктори, профессор Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович филология фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Жиззах давлат педагогика институти |

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "4" *сентябрь* соат/с-даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин *71*-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил "19" *август* кuni тарқатилди.
(2022 йил "19" *август* даги *64*- рақамли феестр баённомаси).



Сулҳон
М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор
Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филология ф.б. фалсафа доктори, (PhD)
Д.Б.Уришбоева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги тараққиёти бугунги босқичида коммуникатив муносабатлар антропоцентрик тамойиллар асосида ўрганилиб, лисоний ходисалар ва уларнинг ифода имкониятлари кенг тадқиқ этилди. Тилшуносликнинг матн лингвистикаси, прагмалингвистика, лингвокультурология, психоллингвистика, этнолингвистика, когнитив тилшунослик ва бошқа йўналишларида инсон омили тадқиқот объектига айланиб бормоқда. Айниқса, бадий матнда инсон омили ва унинг нутқини лингвопрагматик жиҳатдан тадқиқ этилиши бугунги кун тилшунослигини сифат босқичига кўтармоқда. Бу эса XXI аср тилшунослик назариясини янги концепциялар билан бойитиб, прагмалингвистик билимларнинг оптималлашувиغا маълум даражада хизмат қилмоқда.

Дунё тилшунослигида бадий матннинг лингвопрагматик таҳлили, матнда қўлланилган услубий-тасвирий воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари, матнга лингвопоэтик ёндашув каби муаммолар таҳлиliga кенг ўрин берилмоқдаки, бу ҳолат бутун бир ижтимоий тузум характерини аниқлаш, шу билан бир қаторда, ижодкор ёки унинг олами идрок этиш тамойилларини белгилаш имконини беради. Шунингдек, бадий матн таҳлиliga бундай ёндашув тилшуносликда юзага келган замонавий таҳлил усуллари билан алоқадорликда намоён бўлмоқда. Зеро, ҳар қандай фан каби тилшунослик ҳам доимий ривожланиш жараёнидадир. Дунё тилшунослигида бадий матн ва уни таҳлил этишда прагмалингвистик ёндашувнинг кенг татбиқ этилиши мавзунини ёритиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимиз илм-фанида юзага келган ўзгаришларнинг тилшунослик соҳасида адиблар асарлари тили, бадий асар композицияси ҳамда унинг ички қурилишида етакчи унсур ҳисобланган тасвирий воситаларнинг лисоний хусусиятлари лингвопрагматик тадқиқига доир масалаларига оид кўплаб изланишлар майдонга келмоқда. Бу эса мустақиллик йилларида тил, адабиёт ва маданият муштараклиги масаласини таъминлаб, мутолаа маданиятини юксалтиришга бўлган эҳтиёжини кучайтирди. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳақимиз йўқ»¹. Шу боис, ўзбек ижодкорлари ичида ўзининг бадий маҳорати, сўз қўллашдаги санъаткорона услуби, оригиналлиги ва фавқулоддалиги билан алоҳида ажралиб турадиган замонавий ўзбек насрининг ёрқин намоёндаларидан бири Тоғай Мурод қиссалари тили ва унинг прагматик хусусиятларини монографик йўсинда махсус ўрганиш долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017, 4 август.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тил лисоний имкониятининг маълум бир адиб ижодида вокеланиш хусусияти тадқиқотчилар томонидан ҳар хил аспектда турли методологик ва методик асосда ўрганиб келинмоқда. Буни бадиий асар тилининг лексик-грамматик хусусиятини ўрганиш¹, тил бирлигининг лингвостилистик² ҳамда лингвопоэтик хусусияти

¹ Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – М.: Русский язык, 1988; Назарова О. О языке произведений Хамзы Хақимзаде Ниязи: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1944; Раҳматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1965; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1969; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1967; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1968; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Т., 1970. Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Г. Гуляма: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1972; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин»: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1973. Ярыев Б. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1979; Махматмуратов Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хақимзаде Ниязи: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1982; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1983. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 1990; Абулхайров М. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1996; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2000; Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2001. Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида чун боғловчили гапларнинг синтактик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006 ва б.

² Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг тили ва стили: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1949; Мамадов Х. Лексико-стилистикальные особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1969; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Т., 1970; Қўчқоргоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1975; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1979; Абдиев Э. Язык и стиль драм Камила Яшина: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1982; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2000 ва б.

тадқиқи¹ тарзида уч гуруҳга бўлиш мумкин. Шунда ушбу диссертация ишига тегишли икки муаммо юзага чиқади:

биринчидан, амалга оширилган илмий-тадқиқотларда бадиий асар персонажлари нутқи формал-функционал ёндашув асосида тадқиқ этилмаган; иккинчидан, бугунги ўзбек прозасининг ёрқин намоёндаси Тоғай Муроднинг ўзбек тили лисоний имкониятидан фойдаланиш маҳорати, яъни адиб қаҳрамонлари нутқининг прагматик хусусиятлари махсус лингвистик текшириш манбаи бўлмаган. Бу эса адиб насрий асарларининг прагматик хусусиятларини формал-функционал аспектда ўрганишнинг мақсад ва вазифасини белгилашга асос бўлади.

Ижодкорнинг истеъдоди лисоний компетенцияси (тил билими)дан келиб чиққан ҳолда, нутқнинг бошқа кўринишидан фарқли равишда, тил имкониятларидан, шунингдек ранг-баранг лисоний воситалардан кенг ва ўринли фойдаланишида кўринади. Ўзида бадиийлик ва мушоҳадавийлик мувозанатини уйғунлаштирган, халқ ҳаёти ва фаолиятини бадиий тараннум этишнинг бетакрор намуналари бўлган қиссалари ва бошқа асарларида ўзбек тили лисоний имкониятларидан юксак даражада фойдаланилган. Бадиий асарда қаҳрамонлар нутқининг прагматик хусусиятлари умумий меъёр асосида юзага чиқар экан, бунда ижодкорнинг индивидуал маҳорати, бир томондан, бадиий нутқ имкониятининг воқеланишини кенгайтирса, иккинчи томондан, тил луғат бойлиги ҳажмининг ошишига маълум даражада ҳисса қўшади. Тоғай Мурод қиссаларининг бу борада алоҳида хусусиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тили тил бирликларининг функционал-прагматик ва семантик услубий таҳлили (синхрон ва диахрон)» мавзусида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тоғай Мурод қиссаларидаги персонажлар нутқини прагматик аспектда ўрганиш ва ижодкорнинг ўзбек тили лисоний имкониятидан фойдаланиш маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прагматик нутқнинг ўзига хос хусусиятларини лисон-нутқ тамойили асосида ўрганиш;

Тоғай Мурод қиссалари орқали бадиий нутқ ва унинг услубий-прагматик хусусиятларини аниқлаш;

насрий матнларда қаҳрамонлар нутқининг прагматик хусусиятларини очиб беришда умумлисоний қонуниятга асосланган тасвирий воситаларнинг бадиий матндаги ўрни ва аҳамиятини асослаш;

¹Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерперетации стихотворного текста: Автореф. дисс... докт. филол. наук. –Т., 1991; Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. - № 4; Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90- йиллар бошлари ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Т., 2004; Хамидов З.Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр». – Т., 1982; Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2000.

тасвирий воситалар ва уларнинг лингвокультурологик хусусиятлари, қиссалар матнида қўлланилган кўчим ва прагматик структура, шунингдек такрорий лингвистик бирликлар ва тағмаънонинг лингвопрагматик хусусиятларини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» (1976), «От кишнаган оқшом» (1979), «Ойдинда юрган одамлар» (1980), «Момо Ер қўшиғи» (1985) қиссалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Тоғай Мурод қиссаларидаги стилистик-прагматик воситалар ҳамда коннотатив структуранинг лингвопрагматик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, контекстуал, дифференциал-семантик, психолингвистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тоғай Мурод қиссаларидаги персонажлар нутқи ҳудудий миллий кадриятларга кўпроқ урғу берилганлиги сабабли шева, ибора, мақол ва матал ҳамда фольклор намуналарининг лисоний нутқда воқеаланганлиги очиб берилган;

ёзувчи қиссаларида халқона оҳанг, диалектизм каби қаҳрамонлар нутқига хос жараёнлар, эркин насрнинг синтезлашуви, ранг тасвирларнинг воқеликка уйғунлашуви каби ёзувчи услубига хос грамматик воситалар, асарлар мазмунини бойитганлиги кабилар далилланган;

ижодкорнинг жонлантириш, муболаға, киноя метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, тағмаъно каби услубий маҳорати қиссаларда нутққа эстетик ва экспрессивлик касб этганлиги очиб берилган;

нутқий мулоқотнинг ифода этилишида адиб қиссаларида кенг қўлланилган *оқара бериб-оқара бериб, кунилаб-кунилаб, турди-турди, шу...шу* каби такрорларнинг маъно кучайтириш, интензивлик ва эмоционаллик касб этганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижасида олинган хулосалар тилшунослик фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитилиши ва ҳозирги давр фани ривожига учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилиши далилланган;

Тоғай Мурод қиссалари қаҳрамонлари нутқининг прагматик хусусиятлари, хусусан, унинг қиссаларида ўз аксини топган бадий-тасвир воситаларининг лисоний ифодаси кўчма маъноларнинг бадий ҳамда эстетик жиҳатларига алоқадор кузатишлар натижалари ўзбек тилшунослигида муҳим маълумот сифатида аҳамият касб этиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбекна менталитетдан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тилшунослигининг прагматингвистика соҳасига, шунингдек адиб ижодини яхлит прагматик хусусият ва лингвостилистик жихатдан ўрганишга маълум даражада ҳисса қўшади. Ишда қўлланилган тадқиқ усуллари ҳар қандай ижодкорнинг тил лисоний имкониятидан бадиий асарларда фойдаланиш хусусиятини ўрганишда самарадор эканлигини асослайди, шунингдек тадқиқот шу соҳада келгусида бажарилажак ишлар учун илмий-назарий қарашларни шакллантириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулосалардан «Прагматингвистика» фанини ўқитишда, Тоғай Мурод ижодига доир адабиётшунослик ва тилшунослик фани бўйича ихтисослик таълими ва танлов фани ташкил этишда, дарслик ва қўлланма яратишда, ижодкорлар асарлари луғатини тузиш сингариларда материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғай Мурод қиссаларининг прагматик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тоғай Мурод қиссаларидаги персонажлар нутқи ҳудудий миллий кадриятларга кўпроқ урғу берилганлиги сабабли шева, ибора, мақол ва матал ҳамда фольклор намуналарининг лисоний нутқда воқеаланишига оид хулосалардан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 21 июлдаги 17.01/01-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур маълумотлар лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва луғатларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

ёзувчи қиссаларида халқона оҳанг, диалектизм каби қаҳрамонлар нутқига хос жараёнлар, эркин насрнинг синтезлашуви, ранг тасвирларнинг воқеликка уйғунлашуви ёзувчи услубига хос грамматик воситаларнинг асарлар мазмунини бойитганлигига оид хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 10 октябрдаги 17.01/256-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида бадиий матн бўйича тайёрланган илмий ишланмаларнинг илмий савиясини оширишда аҳамият касб этган;

жонлантириш, муболаға, киноя метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, тағмаъно каби услубий воситаларнинг асарлар мазмунини бойитишидаги хусусиятлари Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг Тоғай Мурод ижодига бағишланган кўрсатув ҳамда вилоят радиосининг эшиттириши сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 9 августдаги 01.11/425-сон

маълумотномаси). Натижада, кўрсатув ва эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойиган.

Тоғай Мурод киссаларида кенг қўлланилган *оқара бериб-оқара бериб, кунилаб-кунилаб, турди-турди, шу...шу* каби такрорларнинг маъно кучайтириш, интенсивлик ва эмоционаллик касб этганлиги каби материалларидан Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими «Садоқат» ижодий тўғараги йиғилишларида тадқиқот натижалари юзасидан суҳбатлар ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 18 августдаги №01-03/1003-сон маълумотномаси). Натижада, ёш ижодкорлар ижодий жараён юзасидан маълумотларга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, хорижий журналда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лингвопрагматика асослари**» деб номланган бўлиб, унда «Тилшуносликда антропоцентрик илмий парадигманинг шаклланиши», «Матн тилшунослиги ва бадий матннинг прагматик талқини», «Бадий асарнинг лингвопрагматик имкониятлари» каби масалалар ўрганилган, мавзуга оид илмий-назарий материаллар таҳлил этилган. Чунончи, кейинги пайтларда жаҳон тилшунослиги билан бир қаторда ўзбек тилшунослигида ҳам прагмалингвистикага доир тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, Ф. де Соссюр илмий асослаб берган «тил ва нутқ» дихотомиясининг иккинчи кутби ҳозирга қадар деярли ўрганилмаганлиги ёритиб берилган. Ушбу ўринда Ф. де Соссюр, В.Гумбольдт, Ю. Дорофеев, Т.Кун, Г.Клаус, С.Г.Воркачев, М.В.Ляпон, А.Грейс, В.Г.Гак, Ю.С.Степанов, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Х.Неъматов, М.Ҳакимов, Г.Тоирова,

Р.Х.Равшанова, Р.Давлатова, З.Исхакова, А.Пардаев сингари қатор олимларнинг соҳага оид тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилган.

XIX ва XX асрларнинг парадигмалари қиёсланилганда, XIX асрни тарихийлик, XX асрни эса структурализм белгиси остида кечганлигини кўриш мумкин. Т.Кун парадигмаларнинг бундай ўзгаришини «илмий инқилоб», деб атайди. Илмий парадигма фалсафа, фан, санъат, адабиёт, ижтимоий ҳаёт ва (х.к.)нинг етакчи тамойиллари ва методларини бирлаштирган умуммаданий парадигманинг бир қисми ҳисобланади. Масалан, структурализмнинг илмий парадигмаси позитивизмнинг маданий парадигмасига қиради¹. Анъанавий тарзда илмий парадигма уч турга ажратилади: қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик.

Ю.С. Степанов тилнинг мураккаб моҳиятини ёритиш учун уни бир неча образлар кўринишида тақдим этган бўлса-да, улардан ҳеч бири тилнинг барча қирраларини тўлиқ очиб беролмайди: 1) тил *индивидуалнинг тилидир*; 2) тил – *тил оилалари аъзоси*; 3) тил – *структура*; 4) тил – *тизим*; 5) тил – *тур ва хусусият*; 6) тил – *компьютер*; 7) тил – *фикрлар макони ва «руҳнинг уйи»* (М.Хайдеггер), яъни тил *инсоннинг мураккаб когнитив фаолиятидир*. XX асрнинг охирига келиб буларга яна бир таъриф қўшилди: тил – *маданият маҳсули*, унинг муҳим таркибий қисми, яшашининг шарты, маданий кодларнинг шаклланиш омилдир².

Антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан инсон дунёни ўзининг билиш, шунингдек назарий ва амалий фаолияти орқали танийди. Инсоннинг миясида, онгида мавжуд бўлган бу тартиб унинг маънавиятини, қадриятларини ва хатти-ҳаракати мотивларини белгилайди. Тилнинг қай тарзда амал қилишини тадқиқ этиш учун эса тилни унинг эгаси бўлган шахс омили нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади³.

Илмий парадигма фан объектини, муайян даврда ҳоким бўлган назарий тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва шу асосда фаннинг турли бўлимларида ўхшаш бўлган, ўзаро боғланган муайян тадқиқот методикаларининг мажмуидир. Илмий методология ва илмий методлардан фарқли ўлароқ, аниқ тарихий хусусиятга ва ижтимоий-маданий тарқалиш чегарасига эга эканлиги каби масалалар алоҳида таъкидланган.

Тадқиқотнинг «**Тоғай Мурод қиссаларининг услубий-прагматик хусусиятлари**» номли иккинчи бобида «Тоғай Мурод қиссаларида халқона оҳанг ва диалектизмларнинг прагматик талқини», «Тоғай Мурод қиссаларида қўлланилган паремаларнинг прагматик аспекти» ҳамда «Тоғай Мурод қиссаларидаги грамматик воситаларнинг стилистик-прагматик хусусиятлари» масалалари тадқиқ этилган.

Бадий асар мазмунининг прагматик хусусиятларини очиб беришда тилнинг ифода-тасвир воситаларидан унумли ва ўринли фойдаланиш ёзувчидан ўта синчиковлик ва катта маҳорат талаб қилиши табиийдир.

¹ Usmanova Sh. Linvokulturologiya. Darslik. – Toshkent, 2019. – B.12. Яна қаранг: Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие. – М., 2001. – С. 6.

² Usmanova Sh. Linvokulturologiya. Darslik. – Toshkent, 2019. – B.14. Яна қаранг: Степанов Ю.С. В мире семиотики // Семиотика. - т.1. Благовещенск, БГК им. И.А.Бодуэна де Куртене, 1998. – С.5-35.

³ Usmanova Sh. Linvokulturologiya. Darslik. – Toshkent, 2019. – B.12. Яна қаранг: Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики // <http://www.NbuV.Cov.ua/portal/Sog-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf>.

Бундан маълум бўладики, синтактик қурилма ифодалаган пропозициянинг сўзловчи ва тингловчига тушунарли бўлиши учун нутқ вазиятида ёки контекст зарур бўлган жойда прагматик эҳтиёж юзага келади. Бундай пайтда нутқий акт, предикатив бўлмаган сўзлар, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик парадигманинг асосий хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади. «Бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар XXI асрни фанлар интеграцияси асри деб ҳисобламоқдалар. ... Бу каби ёндашувдан мураккаб мавжудот бўлган шахс феноменининг нутқий фаолиятини тадқиқ этишда ҳам фойдаланиш энг тўғри йўлдир»¹. Шахс – сўзловчи ва тингловчи муносабати нутқий мулоқотда аниқланиши лозим бўлганлиги боис, унда нутқий ҳаракатдан иборат бўлган мулоқот матнини прагматик таҳлил қилишга тўғри келади. Бу ўринда «Мухит, ўз навбатида, ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, ижтимоий қатлам, гуруҳнинг маданияти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади»².

Прагматик омиллар нутқ жараёнида лисоний омилларнинг тегишли меъёрий қонуниятлар асосида танланишида, улар маъноларининг муайян интенциал эҳтиёж ва заруратга кўра модификацияланишида белгиловчи рол ўйнайди. Мулоқот – коммуникантларнинг дарак, сўроқ ёки буйруқ шаклидаги фикр алмашиши³.

Нутқий мулоқот ўнлаб – миллий, этнографик, ижтимоий, фалсафий – маданий, ахлоқий-эстетик, тарихий, маиший ва руҳий омилларнинг лисоний бирликлар воқеаланиши билан қоришувидан иборат ҳаракатли системадир. Чунончи, Чингиз Айтматов ўз асарларида нафақат қирғиз халқига, балки умумбашариятга хос муаммоларни кўтариб чиқиш баробарида жаҳон адабиётини янги дурдоналар билан бойитди. Ўзбек адабиётида ҳам Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, Э.Аъзам, Л.Бўрихон, Н.Эшонқул каби адиблар асарлари ўқилганда китобхон юқоридаги ҳолатларни кузатади, улар қаҳрамонларининг нутқи орқали ёзувчиларнинг бадиий мақсадини, асар ғоясини англаб етади.

Тоғай Мурод ўзбекларга хос менталитетни тараннум этувчи хислатларни ўз асарлари мазмун-мундарижасига сингдириб келган адиблардан ҳисобланади. Унинг «Момо Ер кўшиғи», «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар»* каби қиссаларида сурхондарёликлар сўзлашув нутқи намуналари орқали ўзбек халқи мулоқот жараёнларини санъаткорона тасвирлаб берган.

Адиб ижодида сўзловчининг ўзига хос талаффуз усули, кўпинча, нутқ субъектига тегишли маълумот ва ахборотларни ифодаловчи такрор орқали етказилади: «*Онамиз тап-тақир калламни ушлаб-ушлаб кўрди. Ич-ичидан куйди. Айтиб-айтиб йиғлади*» [О.к.о.,7]. Бунда ёзувчи қаҳрамон хис-туйғуларини китобхонга етказиш мақсадида «*тап-тақир*» (бошида сочи йўқ, кал), «*ушлаб-ушлаб*» (пайпаслаб ушлаб кўриш), «*ич-ичидан*» (кўнгилдан, юракдан ҳис этиш), «*айтиб-айтиб*» (таъкидлаб гапириш) сингарилар орқали

¹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б.8.

² Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.108.

³ Эрназарова М. С., Пардаева М. Ҳ. Луғавий шакллар маъносининг воқеаланишида прагматик омиллар //Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий онлайн конференция. – Навоий, 2020. – Б.7.

персонажнинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, ҳудуднинг ўзига хос табиати, менталитети сингари хусусиятларини ифодалаб берувчи мақоллардан ҳам унумли фойдаланади. «От олсанг, Обоқлидан ол, аёл олсанг, Ирғалидан ол» [О.к.о.,12], «От олсанг, хўкиз қориндан ол, хўкиз олсанг от қориндан ол» [О.к.о.,13], «Оти борнинг – қаноти бор» [О.к.о.,13].

Персонаж нутқининг прагматик хусусиятларини очиб беришда нутқий жараён ва вазият муҳим аҳамият касб этади. «Нутқ субъектининг талаффуз имкониятлари таъсирида лингвистик прагматиканинг асосий бошланғич муаммолари юзага чиқади... Демак, миллий ва диалектик талаффузнинг тўғри ва нотўғри шакллари лингвистик парадигматика учун бошланғич масала деб қараш зарур»¹. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги юздан ортиқ такрорлар инсон ички кечинмаларининг парадигматик хусусиятларини ифодалашга хизмат қилган.

Прагматикага оид тадқиқотларда асосий эътибор тил бирлигининг контекст, нутқ вазияти, тил эгаларининг воқелик ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби нолисоний омиллар билан боғлиқ жиҳатига қаратилади. Прагматик тадқиқотлар тил бирлигининг нолисоний омиллар билан боғлиқ бевосита кузатишда берилмаган имкониятларини юзага чиқаришга ёрдам беради. Шулар жумласига халқ оғзаки ижоди ҳамда шевага хос материалларни киритиш мумкин. Масалан, Т.Мурод ривоятларнинг асосий мазмунини сақлаган ҳолда уларни реаллаштиради: ...*Заҳартепа Оқ илон кўнглига ўтирмади. Оқ илонлар тагин юриш қилдилар. Боботоққа йўл олди. Боботоғнинг Говургон деган ерини макон этди... Мана икки асрким, Боботоғ илонлар макони бўлди* [О.ю.о., 65-66].

Ёзувчининг ривоятга ижодий ёндашуви натижасида ушбу афсонавий лавҳа кишини ларзага соладиган, таъсирчан реалистик эпизодга айланган. Бадиий асар тилининг бой ва жозибадор бўлишида ҳам диалектизмларнинг ўрни ва роли муҳим, бу уларда шева унсурларининг меъёрида қўлланилиши билан боғлиқ².

Тоғай Мурод қиссаларида фонетик диалектизмларнинг ҳосил бўлиши фонетик жараёнлар – товуш ўзгариши, орттирилиши, тушиши, иккиланиши ҳодисалари билан юзага чиқади ва услубий-прагматик вазифа бажаради: 1. Сўз ўртасидаги **в**→**б** га алмашади: **қовоқ-қобоқ**. *Отамиз қобоқ уюб ичкарилайди* [О.ю.о., 27]. 2. Жуфт сўзларда **с** → **ч** ундошига алмашиши: **ёгин-сочин**. *Ёгин-чочиндан айтинг. – Ёгин-чочин... қор кам ёгади, ақлар. Йил охирида сел кўп келади* [О.ю.о., 72]. 3. Сўз ўртасидаги **н** → **м** га алмашади: **сунбула-сумбула**. *Авжи саратонда бошлаб, сумбула туққанида қазиб бўлиб эдик* [М.Е.к., 69]. 4. Сўз охиридаги **р** → **л** товушига алмашади: **зарур-зарил**. Бунда диссимилияция ҳодисаси кузатилади, яъни икки ўхшаш товушдан бири ноўхшаш товушга айланади: **Бирга-билла – Автобусда болаликдан билла ўсмиш Садир бўйинсаси бўлди** [М.Е.к., 73]. 5. Ундош товушларнинг чўзилиши уларнинг қўш ундош ҳолига келиши шаклида бўлади: **маза-мазза**. *Ана энди,*

¹ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистика асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.27.

* Кейинги ўринларда «Юлдузлар мангу ёнади» - (Ю.м.ё), «От кишнаган оқшом» - (О.к.о.), «Ойдинда юрган одамлар» - (О.ю.о.), «Момо Ер кўшиғи» - (М.Е.к.) тарзида берилиб, саҳифаси қавс ичида келтирилади.

² Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. Б. 29.

қуёшда мазза қилиб товланиб ётамиз [М.Е.к., 9]. Ушбу гапдаги сўзнинг такрор шаклда қўлланиши маънони кучайтириб, экспрессив буюқдорликни юзага чиқарган. 6. Сўз ўртасида **в** товуши орттирилади: **сурат-суврат**. Доира сувратида айлантираман [О.ю.о., 65]. 7. Сўз ўртасидаги **а** → **о** га алмашади: **аразламоқ-орозламоқ**. Нимага тупуриб кетаяпти? Адолатга! Кимдан орозлаб кетаяпти? Адолатдан!» [О.к.о., 57]. 8. Сўз ўртасидаги **ж** → **й** га алмашади: **мажлис-майлис**. Майлис бўлди! - дейди. [О.ю.о., 46]. 9. Сўз охирида **й** товуши орттирилади: **обрўй-обрўй**. Обрўй бор-да, мисол учун, обрўй бор, ҳа! [О.к.о., 92].

Ушбу прагматик нутқда шу сўз (*обрўй*) орқали персонажнинг руҳий ҳолати, унинг бироз мақтанчоқликка мойиллиги аниқ кўринади.

10. Сўз бошида товуш орттирилиши (протеза): **азза-мазза**.... Шу ўтириши, **азза-мазза** эркак учун эпми? [О.ю.о., 87].

Фонетик диалектизмлар, сўзлашув услубига хос фонетик ҳодисаларсиз ёзувчи асарлари жозибаси ва халқчиллигини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Проф. М. Йўлдошев шевага хос лексик диалектизмларни уч турга бўлиб ўрганишни таклиф этади ва соф лексик, этнографик ва семантик диалектизмларнинг турларини фарқлайди¹. Одатда, адабий тилда маънодоши мавжуд бўлганлари соф диалектизмлар ҳисобланади. **Яна тагин хеш эмиш**... [О.ю.о., 79] ва б.

Шева сўзлари маҳаллий колорит, ҳудудий мансубликни ўзида аниқ акс эттириш билан бирга, бадиий нутқда муайян эстетик функцияни бажаради. Бироқ диалектизмларнинг эстетик қиммат касб этиши уларнинг бадиий нутқдаги меъёри, қандай ишлатилиши ва айна пайтда, қандай диалектизмларнинг қўлланиши билан боғлиқдир². Сўз тилнинг асосий структур-семантик бирлиги. У фонетик, лексик, семантик ва грамматик белгиларнинг мажмуи сифатида амалда қўлланади³. Сўзнинг контекстуаллик хусусияти ҳақида Л.А.Новиков шундай дейди: «Контекстуал семалар туфайли нутқ (матн)да тил бирлиги маъносининг коннотатив нозикликлари юзага келади»⁴.

Шевага хос бирликлар тилшуносликка оид тадқиқот ва кузатишларда уч турга бўлиб кўрсатилади. Улар: фонетик, лексик ва грамматик диалектизмлар. Қиёсланг: *Шукур полвон, қаттиқ-қаттиқ чил беринг! Ким айтади сизни раиснинг ули деб?* [Юлдузлар мангу ёнади, 10].

Этнографик диалектизмлар дейилганда муайян шева тарқалган ҳудудда яшовчи кишиларнинг ўзларига хос бўлган урф-одатларининг номлари тушунилади. **Грамматик диалектизмларнинг** ҳам морфологик ва синтактик деб аталувчи ички гуруҳлари мавжудлигини қайд этиш мумкин⁵. Масалан: *Тўй бекаси айтган бошқа, тўй хўжаси айтган бошқа* [Ю.м.ё., 6]. *Кимда-ким унинг кўзини шамғалат қилиб, эпчиллик билан гирга чопиб кирса, шу голиб саналади* [Ю.м.ё., 7]. Муайян шева тарқалган ҳудудда яшовчи

¹ Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 42.

² М.Йўлдошев, С.Мухамедова, М.Сапарниязова. Матн лингвистикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2020. – 99-100; Яна қаранг: Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981. – Б.24.

³ Гак В.Г. Слово // Лингвистических энциклопедический словарь. – Москва: Энциклопедия, 1990. – С. 464.

⁴ Новиков Л.А. Сема // Лингвистических энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С. 437.

⁵ Йўлдошев М., Мухамедова С., Сапарниязова М. Матн лингвистикаси. 5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2020. – Б. 92.

кишиларнинг ўзларига хос бўлган урф-одатларининг номлари **этнографик диалектизмлар** деб юритилади. **Грамматик диалектизмларнинг** ҳам морфологик ва синтактик деб аталувчи ички гуруҳлари мавжудлигини қайд этиш мумкин. Масалан: *Отамиз даҳлизлади. ...Кейин, ташқари қараб, ҳайрон бўлди* [О.ю.о., 103].

Нутқимизда турлича расм-русумларни ифодалашда «ном-терминлар» ёки «терминоидлар»¹, лингвокультуремалар², «эркин бирикма шаклидаги этнографизмлар»³ деб аталувчи лингвистик бирликлар ҳам ишлатилади. Диссертацияда ёзувчи қиссаларидаги миллий терминлар ҳам таҳлил этилган.

Шевага хослик ибораларда ҳам мавжуд бўлиб, у бадий матн қаҳрамонларнинг маълум бир ҳудудга мансублигини ва воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтаётган ўринни таъкидлашга хизмат қилади. Масалан, Тоғай Мурод қиссаларида Сурхондарё шеvasига хос фразеологизмлар кўп қўлланилган: *Кўнгли яқин қабрлар бошида оёқ илиб, фотиҳа ўқиб-ўқиб юрди... Бўри полвон кўнгли увишиб-увишиб кетди* [Ю.м.ё., 103].

Лисоний таҳлил жараёнида бадий асарга олиб кирилган вульгаризмларни кимнинг нутқида ишлатилаётганлигига қараб гуруҳлаш, қандай вазиятларда ва нима сабабдан қўлланилаётганлигини ҳамда уларнинг лексик-семантик таркиби, шевага хосланганлиги кабиларни аниқлаш лозим бўлади⁴: - *Хоҳласанг, ажрал, - деди совчи... Кейин, уккагарнинг совчиси умримга завол бўлди, дея ўпқаланиб юрма* [О.ю.о., 48].

Ёзувчи қиссаларида шевага хос сўзларнинг морфологик хусусиятлари ҳам тўласинча намоён бўлганлигини кўриш мумкин:

1. Келишик кўшимчаларини тушириб қолдириш ёки ўзгартириб қўллаш ҳолатида: *Эртаси кун Душанбе(га) учдим. Ўтирганлар шаҳодат бармогини ликкиллашиб, ўртада лайлак қушдай лўкиллаб юрган қизни имлади* [О.к.о., 96]. *Болиш(ни) қучоқлайди* [О.ю.о., 67], *Отамиз эснашиди (ни) ўзича тушунди* [О.ю.о., 69] ва (х.к.).

2. Эгалик кўшимчасини тушириб ёки алмаштириб қўллаш ҳолати: *Момомиз гап билан андормон бўлиб билмайди* [О.ю.о., 57], *Бобомиз бўш тиёлани зарда билан тўнтариб ташлайди* [О.ю.о., 57], *Кел-кел, айнам, манави ерга ўтир, - деди Ҳожар кўр* [О.ю.о., 89].

Шевага хос сифат сўз туркуми: *Сержант Орзиқулов чийдухоба камзулини кийиб олди* [М.Е.к., 46]. *Улоқ бу гал майдагина бир тўриқда кетди* [О.к.о., 119] мазкур гаплардаги чийдухоба - оҳори тўкилмаган *вилвитга* ўхшаш материал. *Майда сўзи кичкина* маъносида қўлланган. Олмошлар: *Полвон бова, манов Эрмат полвонни бир синаб кўринг* [Ю.м.ё., 58]. *Бари аёл шуннай дейди* [М.Е.к., 45]. Равиш сўз туркуми: *Боваси илкисдан туриб кетди* [О.ю.о., 87] *илкисдан* сўзи *тўсатдан* маъносини ифодалаган. Феъл сўз туркумига тегишли ҳолатлар ҳам ёзувчи қиссаларида ҳудудга хос миллий колоритни очиб беришда фаол қўлланилган: *Гўшт майдалаб бошладим*

¹ Кахарова М.М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи: Филол. фан. номз. ...автореф.–Тошкент, 2009. – Б.14.

² Пульсарина Г.Г. Вербализация концепта «туй» (свадьба) в башкирской языковой картине мира (на материале фольклорных текстов) // Вестник ВЭГУ. – №4 (72) 204. – С. 2-8.

³ Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: Филол. фан. номз. ...автореф.–Тошкент, 1997.–Б.17.

⁴ Йўлдошев М., Муҳамедова С., Сапарниязов М. Матн лингвистикаси. – Тошкент, 2020. – Б. 99-100.

[О.к.о., 92]. *Даҳо шўрвани муздайлигича еди* [М.Е.к, 67]. Мазкур гаплардаги *майдаламоқ-тўғрамоқ, емоқ-ичмоқ* (суюқ егуликлар ичилади, куюқлари эса ейилади) феълларини шева элементларининг ўзига хослигини кўрсатиш мақсадида ишлатган.

Грамматик ҳамда услубий воситалар бадий асарга хос услубий-прагматик хусусиятларни атрофлича таҳлил этишда муҳим ҳисобланади. Мазкур воситалар бадий асарда яхлитлик учун хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Тоғай Мурод қиссаларида деннотатив ва коннотатив структура**» номли учинчи бобининг «Тоғай Мурод қиссаларида бадий тасвир воситалари ва уларнинг прагматик моҳияти» номли бўлимида ижодкорнинг асар яратишда тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифаларини юзага чиқарувчи тасвирий ва экспрессив воситалар, сўзларнинг образли ифодаси ҳамда метафорик кўринишлардан фойдаланиши масалалари таҳлил этилган.

Тоғай Мурод қиссаларида халқоналик кучли. Бадий нутқда энг кўп ишлатиладиган тасвир воситаларидан бири метафора ҳисобланади. «Нутққа образлилик, экспрессив бўёқ бериш ниятида нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўз ёки ибораларни кўчма маънода ишлатиш метафорадир¹.

Бобнинг «Ижодкор тили: кўчим ва прагматик структура» номли фаслида кўриб ўтилганидек, ёзувчи қиссаларида яширин ўхшатиш номи билан аталадиган метафоралардан унумли фойдаланган, қиссаларда кенгайган, яъни бирикма ҳолатидаги метафоралар ҳам мунтазам тарзда ифодаланиб борган: *Эгар қошига тўн солиб олмиш жарчи гузарма-гузар от ўйнатди* [Ю.м.ё., 6] гапидаги *эгар қоши* бирикмаси инсон тана аъзосининг бир қисми бўлган қошга ўхшатилиб, унинг кўчма маъносини таъминлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, иборалардан фойдаланган: *Кўнгли бузилди* ибораси инсонга хос характерни янада таъсирчанроқ очиб бериш мақсадида қўлланади: *Меҳмонлар, Бўри полвон кўнгли бузилди, дея ўйлади* [Ю.м.ё., 46]. Адабий тилда кўпроқ унинг эквиваленти бўлган «феъли айниди» варианты ишлатилади.

Систем-структур тилшунослик нуктаи назаридан олиб қаралганда, ҳар қандай сўзнинг маъноси бир нечта кичик маъно (сема)лардан ташкил топади². Метафорада ана шу маънолардан бири етакчи сифатида олиниб, уни бошқа предмет ёки шахсга нисбатан ишлатилади³: *...Бу, асл кўшиқнинг ўзи бўлди! Асл кўшиқ турганда мухаммас кўшиққа йўл бўлсин!* (Таъкидлар бизники – К.Н.). [О.ю.о., 340]. Кўшиқ: 1) мавҳум нарса, 2) ижод маҳсули, 3) шеърый матн ва мусиқа бирлиги, 4) ёқимли оҳанг.

1. Матнда *кўшиқ* сўзининг биринчи, иккинчи ва учинчи семалари хиралашиб, ёқимли семаси кучайтирилади ва метафорик кўчим юзага келади. Бунда *кўшиқнинг* ёқимлилиги билан икки шахс (Қоплон билан Оймомо)нинг бир-бирига ёқимлилиги мутаносиблашади.

2. Жонли метафорада инсонга ва жонли мавжудотга хос белгилар табиат ходисаларига, нарсаларга ва тушунчаларга кўчирилади⁴. Адиб ижодида

¹ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Тошкент, 1992. – Б.100.

² Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.58.

³ Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.101.

⁴ Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.76.

метафоранинг бу тури персонажларнинг рухий ҳолати, табиат тасвири, қаҳрамонларнинг воқеликка муносабатини образли ифодалашда муҳим услубий восита вазифасини ўтаган: *Биродарлар, Момосулув тушимда. Чўлпон эди, хушимда Ой эди, қўйнимда Офтоб бўлди!* [О.ю.о., 66].

3. Синестетик метафораларда бир сезги органи билан идрок этиладиган нарса-тушунча бошқа сезги органи билан идрок этиладиган нарса-тушунчага ўхшатилади, яқинлаштирилади ва шу асосда кўчма маъно юзага келади: ... *нордон-нордон гаплар эшитдим* [О.ю.о., 131]. *Сўзни-сўзга чўқиштирдим, гапни гапга уриштирдим, ...* [О.ю.о., 120]. *Даҳо нонкўр-нонкўр шеърлар ёзди* (Таъкидлар бизники – К.Н.) [М.Е.к, 67]. Мисолларда бирикмалардаги сўзлар бир-бирига мантиқан боғланмайди, лекин «нордон»даги ёқимсиз, сўз ва «гап»даги «келиштирмоқ», «нонкўр»даги норози семалари синестетик метафора асосида уларни бирикма тарзида беришга имкон яратади¹.

Метонимия ва прагматик структура. Маълумки, ...тилшуносликнинг мантик, психология, билиш назарияси каби когнитив фан соҳалари билан ҳамкорликка эҳтиёжи кучаймоқда². Мулоқотга киришаётган коммуникантнинг психик ҳолати, кайфияти, руҳияти ифодасида метонимия ҳам муҳим рол ўйнайди. Мисол: *Совчилар дастурхонга ўралмиш нонни ўртага қўйди. Нон синдирилди. Тўйхона тўла тўйловчи бўлди* (Таъкидлар бизники – К.Н.) [О.ю.о 46]. Бунда фикр нон эмас, нонлар ҳақида, тўйловчи эмас, тўйловчилар ҳақида бормоқда. Адиб оддий кўринган конструктив манипуляциялар ёрдамида катта бадий эффектга эришиш йўлини билади. Чунончи, мардлик, жасорат маъноларидаги метонимик кўчим: *Жасад бор! Ақл бор! Юрак йўқ! Тўрт муча бор! Куч-қувват бор! Юрак йўқ, юрак!..»* [Ю.м.ё., 29]. тарзида берилиши ифоданинг аниқ чиқишига имкон берган. Тагма-таг ёзилган сўз-гаплар ёнма-ён қўйилса, ифодада Бўри полвон кўнглидаги туйғулар англашилмай қолади.

Синекдоха ва прагматик ифода. Бадий асар қаҳрамони нутқининг прагматик хусусиятларини ўрганишда муҳим рол ўйнайдиган бадий воситалардан бири синекдоха ҳисобланади. Тоғай Мурод қиссаларида синекдоха «кал» лексемаси иштирокида ҳосил қилинган матнларда персонаж нутқининг прагматик хусусиятларига хос маъно қирраларини очиб беришга хизмат қилган.

«Кал» лексемаси маънолари ҳақида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да б та изоҳ кўзга ташланади. Шулардан бири: 3. Бошнинг сочи тўкилган ери...³.

Қиссада асар қаҳрамони тилидан сочи тўкилгандан кейинги ҳолати унинг прагматик нутқи орқали жуда ишонарли тарзда қуйидагича баён қилиб берилган: «*Одамлар мени кал дейдиган бўлди! Зиёдулла кал эмиш! ...Кал сўзи кўнглимга сингди. Қулоқларим калга ўрганиб қолди*» [О.к.о., 103]. Ушбу парчада кал киши исмига нисбатан кўчма маънода қўлланилган.

¹ Ўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.76.

² Ҳасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида қўлланган метонимияларнинг лисоний ва бадий-эстетик хусусиятлари // Ёш адабиётшунос ва тилшуносларнинг анжумани материаллари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги ТАИ, 2008. – Б. 56-58.

³ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.296

Ёзувчининг «От кишнаган оқшом» қиссасида «кал» лексемаси 60 марта учрайди, ҳар бир матнда ёзувчи имкони борича унинг маъно фарқларига ҳос қирраларни такрорламасдан қўллаш орқали асар қаҳрамонлари нутқининг прагматик хусусиятларини очиқ берганидан далолатдир.

Рамз ва прагматик симптом. Адиб ўз асарларида **рамзлардан** ҳам унумли фойдаланган. Зиёдулла жамият аъзоларини рўй бераётган ноҳақликларга қарши курашишга даъват этади: *Шунда... шунда, от кишнади. Умрим от билан ўтди. Ҳай бир отларни кўрдим, ҳай бир кишнашларни эшитдим.*

От сувсаб кишнади, от очқаб кишнади. Шунда от кўнглини сув бериб олдим, от кўнглини ем бериб олдим. От авлод-аждодларни қўмсаб кишнади, от улпи-томирларини йўқлаб кишнади... [О.к.о., 210].

Ушбу парчада отнинг жамиятда бўлаётган воқеликни ҳис этиши ҳамда асар қаҳрамонининг ички руҳий кечинмалари монологик нутқ орқали ифодаланган. Тил нутқ ифодалаш функциясини бажарар экан, сўзловчининг нутқи унинг воқеликка нисбатан муносабат симптомини белгилайди.

Тоғай Мурод қиссаларида эпитетнинг ҳам ўрни алоҳида. Уларни куйидагича гуруҳлаштириш мумкин: **Инсон жисмоний ҳолатини ифода этувчи эпитетлар:** *Барчин юзли бўлди саратон юлдузли бўлди, паришон зулфли бўлди* [О.ю.о., 144]. *Қоплон икки елкасига уй тикса бўладиган йигит* [О.ю.о.,145]; **Ташқи қиёфани ифода этувчи эпитетлар:** *Оёғида баланд пошнали гарчиллама этик бўлди. Елкасида беқасам, белида шойи белбоғ бўлди. Бошида қўқонча дўппи бўлди* [О.ю.о.,148]; **Инсон руҳий ҳолатини ифода этувчи эпитетлар:** *Юзларида оппоқ ҳарир бўлди. Бошида инак рўмол бўлди. Эғнида беқасам камзул, атлас кўйлак бўлди* [О.ю.о.,149], *Сизни аччиқ зардоли остида қучоқлаб ўпадиган Нурани!* [О.ю.о.,154]; **Урф-одат ва қадриятларни ифода этувчи эпитетлар:** *Чимилдиқ боғичида ўн саккиз хил келинлик кийими терилди. Деворларда ойнахалталар, чойхалталар бўлди, зардеворлар, сўзаналар бўлди* [О.ю.о.,157]; **Эхтиром туйғуси ифодаланган эпитетлар:**

*Сойдан ҳўкиз сувлатган, Дўмбирасин кўйлатган,
Ўғилларини ўйлатган - Қайнотамга салом!*

Маълум бўладики, мазкур эпитетлар ёзувчининг портрет санъатини юзага чиқаришида муҳим лисоний восита бўлган. Келиннинг қиёфасини ифодалашда фойдаланилган эпитетлар ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Тоғай Мурод қиссаларида халқона руҳдаги жонлантиришлар асар воқеалари тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, бадиий асар жилосини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунончи, 1. *Ой ўз гирдида ўров тортибди* [О.ю.о., 159]. 2. *Табиатни тўлғоқ тутди. Тўлғоқдан фарзанд тугилди. Фарзанд оти Наврўз бўлди* [О.ю.о., 171]. 3. *Наврўз оламга майсалардан гиламлар тўшади, бойчечакдан сиргалар тақди* [О.ю.о., 171] (Таъкидлар бизники – К.Н.).

Такрор «... маънони кучайтириш, интензивлик ва эмоционаллик учун хизмат қилади»¹. Материаллар таҳлили уларнинг куйидаги шаклларда қўлланганлигини кўрсатди:

Товуш такрори: *...бу хавфли! Кўта –а-ар! –Ё-ё-ё! –Чилини чиқариб юбор, чилини! –Ё-ё-ё! Бали-бали-и-и! Гурс!* [Ю.м.ё., 32]. *...Бу санъатни*

¹ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983. – Б.232.

полвончалик ижро этолмайди! – Ҳа, дў-ў-ст! [Ю.м.ё., 77]. Ё-ё-ё! – дея айқирди.- Су-у-ур! – дея бўлди давра [Ю.м.ё., 78]. ...к-ў-ў-ў-и алам қилди! [Ю.м.ё., 84] (Таъкидлар бизники – К.Н.).

Келтирилган мисолларда овоз тембри нуткий мулоқотда сўзлашувчиларнинг ҳар бирига хос дифференциал бўёқни таъминлаш учун хизмат қилган. Қахрамонининг кучли ҳаяжони, мадад бериш истаги, қайғуриши каби маънолар ифодаланган бўлиб, нутқнинг турли ҳолатдаги прагматик хусусиятлари очиб берилган.

